

Уламолар Самарқанд вилоятида муҳтожлар ҳолидан хабар олдилар



16:58 / 24.07.2021 1918

Уламоларнинг Самарқанд вилоятига ташрифи мўмин-мусулмонларга маънавий тухфа бўлмоқда. Бугун 24 июль куни бир гуруҳ уламолардан таркиб топган тарғибот гуруҳи Самарқанд вилоятининг бир нечта туманларига ташриф буюришди.

Жумладан, Пахтачи тумани имом-хатиби Исроил домла Амриллаев, Тошкент шаҳар «Минор» масжиди имом-хатиби Фозилжон домла Убайдуллаев, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ ҳамда «Сирож Солиҳ» жоме масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодировлар муҳтож, кам таъминланган хонадонларга ташриф буюришди. Ташриф чоғида

ҳақдорларга «ВАҚФ» хайрия жамоат фондининг совғалари топширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов, Самарқанд шаҳар «Руҳобод» жоме масжиди имом-хатиби Т.Амиров ҳамроҳлигида вилоятнинг Нарпай туманида бўлишиб, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож вакиллари ҳолидан хабар олишди ва уларга ҳам «Вақф» хайрия жамоат фондининг совғалари топширилди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

